



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 27 апрель, чоршанба

№ 34 (11.733)

Эркин нарҳда сотилади

ВЕНГРИЯ ЭКСИМБАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЮРТИМИЗДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Венгрия Эксимбанки бош директорининг ўринбосари Рашта Дердь раҳбарлигидаги Венгрия ишбилармон доиралари вакилларидаги иборат делегация «Аска» давлат акциядорлик банки бошқаруви раиси Шокир Жўраев билан учрашди.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик истикболлари, хусусан, икки банк ўртасида вакиллик алоқаларини йўлга қўйишга оид масалалар муҳокама этилди. Меҳмонлар, шунингдек, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Узаноатқурилишбанк», «Пахтабанк» ва айрим вазирликларда бўлиб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан музокаралар ўтказди.

ЕРНИ ҚАДРЛАЙДИГАН ФЕРМЕР



Мамлакатимизда фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга эътибор кучайиб, уларнинг эркин иш юритишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бойси мулкдорларнинг янги синфи мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятига тобора салмоқли ҳисса қўшиб бормоқда. Ўз имкониятларидан оқилона, аниқ режа ва мақсад билан фойдалана билатган фермерлар аллақачон ўз йўлларини топиб, тармоқда ахшигина натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Бекобод туманидаги «Оллоёр» фермер хўжалиги хусусида ҳам шундай тўхтамга келиш мумкин. Чорвачилик йўналишида фаолият юритаётган хўжалик йилдан-йилга ўз макъеи ва имкониятларини кенгайтириб бормоқда. Таъкидлаш жоиз, фермер хўжалиги тасарруфидоги ер майдони нисбатан кам — 9 гектар бўлиб, чорва учун озука маҳсулотлари, хусусан, арпа ҳамда маккажўхори етиштирилади. Айни пайтда фермер хўжалигида 51 та қорамол, 22 бош қўй, 5 та от, шунингдек, 18 та соғин сигир мавжуд. Ердан унумли фойдаланилаётганлиги тўғрисида фермернинг ўзи тўғри келмоқда.

— Хўжалигимизда асосан оила аъзоларимиз билан меҳнат қиламиз, — дейди фермер Адҳамжон Тоиров. — Бу йил 1600 килограмм сўт, 590 килограммга яқин гўшт ҳамда бир неча бош қорамол сотдик. Шунингдек, худудимиздаги «Гуна» болалар боғчасига имтиёзли равишда гўшт ва сўт маҳсулотларини мунтазам етказиб бормоқдамиз.

Фермернинг асосий мақсадларидан бири қармоғидоги чорва учун сарфланмақ озуқани тўла-тўқис хўжаликнинг ўзида етиштиришдир. Бунинг учун қўшимча ер олиб, деҳқончиликка зўр беришни ният қилишган.

СУРАТДА: фермер Адҳамжон Тоиров ўз дала-сидоги бўлиқ бошоқларни қўздан кечирмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ХОНОБОДДА ЯНГИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида «АН-Нур Мавлуда» аёллар ўқув маркази ўз фаолиятини бошлади.

Унда хотин-қизлар бичиш-тиқишнинг турли йўналишлари, қандалчилик, массаж ҳамда сартарошлик курсларида хунар ўрганадилар. Марказимизда аёлларга турмушда доим керак бўлиб турадиган касбларни ўргатишни мақсад қилганимиз, — дейди ўқув маркази раҳбари Мавлуда Хўжаева.

— Малака оширишни хоҳловчилар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этилиб, машғулотлар олиб борилади. Ҳақиқатан ҳам унча қиммат эмас. Аҳоли барча қатламлари вакиллари имкониятларини назарда тутган ҳолда қий-матлар белгиладик. Ўқув марказини тугатганларга қайси касбини эгалла-ганларига қараб, дипломлар берилмади.

Камол АСҚАРОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ» ФОЛИБ

Ўзбек Миллий Академик театрида «Замона ёшлари» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Тадбир вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ва бир қанча жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Минтақавий босқичларда

голибликни қўлга киритган жамоалар бешта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Яқиний натижаларга қўра, Бекобод техника-иқтисодий касб-хунар коллежининг «Ўзбекистон ёшлари» жамоаси голиб деб топилди.

Саид ҲАСАНОВ.

СОВРИНЛИ ЎРИНДА

Мактублар жанрида ўтказилаётган халқаро ижодий танлов «Ўзбекистон ёшлари» жамоаси томонидан ташкил этилди.

Умумжаҳон почта Иттифоқи билан ЮНЕСКО ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилган мактублар танловига Ўзбекистон ёшлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Бу сафарги танлов «Менинг севган эртак қаҳрамонимиз мактуб» мавзусида ташкил этилди.

Унда Ўзбекистондан қатнашиб, ўз салоҳиятини намойиш қилган уч нафар то-

либи илм голибликни қўлга киритди. Қўвчириқ туманидаги 56-мактабнинг иштирокчи ўқувчиси Марина Дюгай эса совринли ўрин соҳиб бўлди. Шуниси эътиборга сазоворки, ўқувчининг юқори баҳоланган ишончи интернедаги «Ўзбекистон почтаси» ҳиссадорлиги жамаияти сайтидан жой олди.

Ақбар АЛИЕВ.



КРЕДИТЛАШГА ОИД ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 15 апрелда эълон қилинган «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тижорат банкларининг иш самардорлигини ошириш, капиталлаштириш даражасини кўтариш, инвестиция жараёнларида ва иқтисодийнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклар уюшмаси ҳамкорлигида мазкур қарор ижросини таъминлашга бағиш-лаб ташкил этилган «Кредитлаш жараёнида гаровга олинган мол-мулкни ундириш, баҳолаш ва сотиш муаммолари» мавзусида бўлиб ўтган очик мулоқотда шу ҳақда гап борди.

Семинарда сўзга чиққан Марказий банк, Ўзбекистон банклар уюшмаси ва тижорат банклари мутахассислари банклар томонидан мамлакат иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилаётган кредит маблағларининг ҳажми ва сифати тобора ўсиб бораётганини қайд этди.

Пул-кредит сиёсати воситалари, жумладан, лойиҳаларни молиялаштириш янада такомиллаштириш, нақд ва нақдсиз пул муомаласини ҳамда ҳисоб-китоблар шаклини унификациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарлари-га харидорлар талабини рағбатлантирувчи истеъмол кредитларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда кредит таъминотини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қарздорнинг гаровга олинган мол-мулкни ундириш, баҳолаш ва сотишнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари атрофида таҳлил этилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан мулоқот иштирокчиларининг саволларига Марказий банк, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон банклар уюшмаси, тижорат банклари ва биржаларнинг етакчи мутахассислари жавоб қайтарди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Қарор ва ижро

ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ВОСИТА

Ўн йил муқаддам юртимизга улкан янгилик сифатида кириб келган пластик карточка ўзининг қўлайлиги, фойдалилиги билан аҳоли ўртасида тобора оммалашмоқда.

Пластик карточка ўтган давр ичиде юридик ва жисмоний шахслар учун ишончли молиявий воситалардан бирига айланди, — дейди акциядорлик тижорат «Пахта-банк» бошқаруви раиси ўринбосари Озим Тангибердиев. — Пластик карточка банкдан ташқари нақд пул муомаласини тартибга солишинг, яъни иқтисодий барқарорликни таъминлашинг ҳам мустаҳкам асосларидандир.

Бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор муҳим омил бўлмоқда.

Банкимиз 2001 йилдан бошлаб «DUET» дастурий таъминот асосида ишловчи илк пластик карточкаларни муомалага чиқарган эди. 2003 йилда бу тўлов воситаларидан фойдаланувчи миқозлар сони

қарийб ўн мингга етди. Ҳозир 133 мингга ана шундай карточка муомалада. Банкининг барча бошқарма ҳамда филиалларида пластик карточка хизмати жорий этилган. 2004 йили миқозлар қўлидаги пластик карточкаларнинг ҳисоб рақамларида ўн миллирдан сўмдан зиёд маблағ ўтказилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса бу кўрсаткич икки миллиард икки юз миллион сўмдан ортди.

Айни пайтда ҳисоб-китоб қилишининг маъмуриятдан кенг фойдаланиш учун савдо ҳамда хизмат кўрсатиш пунктларида етти юздан зиёд терминал ўрнатилган. Бундай замонавий қурилмалар, энг аввало, уяли алоқа, коммунал хизматлар, ўқув-контракт тўловларини қабул қилиш, автотўловларга ёниги қўйиш, уйрмик савдо шохобчалари, йимрик оқватлашни жойлари, меҳмонхоналар, авиа ва темир йўл кассаларида ўрнатилган.

Ҳозир банкимиз мутахассислари яна ярим миллион дондан зиёд пластик карточкани ўз эгаларига етказиб бериш ва жойларда бир ярим мингта терминал ўрнатиш борасида иш олиб бормоқда.

Пластик карточкада чекланмаган миқдорда маблағ сақлаш мумкин. Унда сақланаётган пул маблағи учун банкимиз томонидан йилга йигирма тўрт фоиз миқдорда дарамад тўланмоқда.

Пластик карточка жуда қўлай тўлов воситаси эканлигини кўплаб корхона ва ташкилотларнинг ўз ходимларида иш хақи ва маошларини ўрқали беришга ўтаётганидан ҳам кўриш мумкин. Банкимиз хизмат кўрсатаётган бундай воситасаларнинг умумий сони салкам тўрт ярим мингтага етди.

«Узплатасаноат» уюшмаси тизимидоги кўплаб корхоналар, Тошкент агрегат заводи, «Хоразмшакар» акциядорлик жамаияти, Сирдарё ГРЭСи шулар жумласидандир.

Банкимиз яқинда замонавий «DUET 4.7» дастурини ўрнатди. Бу пластик карточка эгаларига мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари терминал ва банкоматларидан бемалол фойдаланиш имконини беради. Келгусида пластик карточканинг «корпоратив» ва «кредит» турларини ҳам амалиётда қўллаш режамизда бор.

ЎЗА мухбири
Лазиз РАҲМАТОВ эътибориди.

Тадбир

ТАРИХ САБОФИ ЭСДАН ЧИҚМАГАН

«Экосан» халқаро ташкилоти Украина Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда Чернобил фалокатининг 19 йиллиги кўни — 26 апрелда «Чернобил сабоқлари ва минтақада радиация хавфсизлиги муаммолари» мавзусида халқаро учрашув ўтказди.

Шунингдек, «Экосан»нинг Қирғизистон Республикасидаги Мойлисув дарёси ҳавзасига халқаро таширфи уюштирди. Унинг тарихида қатор мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий ахборот агентликларининг ходимлари бор эди. Улар кўчи бўлган жойларини кўздан кечиридилар. Бу кўчи Мойлисув дарёсини тўсиб қўйган ва унинг суви уран қайта ишланган «Изотоп» заводи цехлари бўйлаб оқа бошлаган. Агар унинг суви чинқидилар жойлаштирилган худудларга ҳам ёйилса, ҳатто, Сирдарёнинг захарланишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бу экологик ҳалокатнинг олдини олиш лозимлиги алоҳида ўқтирилди. Бунга Марказий Осие мамлакатлари, халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш, эътибор билан зарур маблағни жалб қилиш лозим. Бу келажакда қўшни давлатларда экологик ҳалокат юз беришини баратарф этиш имконини беради.

Учрашувда «Чернобил болалари» илмий-ишлаб чиқариш марказига хайрия ёрдами топширилди. Чернобил атом электр станциясидаги фалокат йирик ядро фожияси бўлганини таъкидлаб, бундай ҳалокатларнинг такрорланмаслиги учун барча қуллар ва имкониятларини сафарбар қилиш лозимлигини алоҳида ўқтирилди. Ҳозирги вақтда Марказий Осиеда Қирғизистон Республикасининг Мойлисув дарёси соҳиллари яқинидаги радиоактив чинқидилар қўмилан жойлар экологик ҳалокатнинг манбаларидан бири бўлиб келмоқда. Шу йилнинг 13 апрелда чинқидилар қўмилан жойларда йирик кўчи юз берди. Оқибатда худудда ву-

жудга келган вазиятни ўрганиш учун «Экосан» ташкилоти халқаро таширфи уюштирди. Унинг тарихида қатор мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий ахборот агентликларининг ходимлари бор эди. Улар кўчи бўлган жойларини кўздан кечиридилар. Бу кўчи Мойлисув дарёсини тўсиб қўйган ва унинг суви уран қайта ишланган «Изотоп» заводи цехлари бўйлаб оқа бошлаган. Агар унинг суви чинқидилар жойлаштирилган худудларга ҳам ёйилса, ҳатто, Сирдарёнинг захарланишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бу экологик ҳалокатнинг олдини олиш лозимлиги алоҳида ўқтирилди. Бунга Марказий Осие мамлакатлари, халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш, эътибор билан зарур маблағни жалб қилиш лозим. Бу келажакда қўшни давлатларда экологик ҳалокат юз беришини баратарф этиш имконини беради.

Учрашувда «Чернобил болалари» илмий-ишлаб чиқариш марказига хайрия ёрдами топширилди.

Бугуннинг аччиқ гапи

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан 2004 йил февраль ойида бўлиб ўтган фаоллар йиллишида вилоят инфратузилмасининг барча тармоқлари қатори электр узатиш соҳасини ҳам юксалтириш назарда тутилган эди. Хусусан, халқ хўжалигини, фуқаролар хонадонларини электр қуввати билан таъминлашни янада ахшироқ қаратишга қатор чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган эди. Бу мурракб, айни вақтда хайрли вазифани бажаришининг асосий оғирлиги «Тошкент электр тармоқлари» очик акциядорлик жамаияти зиммасига тушди, албатта.

Нурчилар зиммаларига юклатилган вазифаларни қандай бажармоқдалар? Бир неча йилга мўлжаллаб тузилган режаларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижаси қандай бўлмоқда?

Авало шуни айтиш керакки, «Тошкент электр тармоқлари» очик ҳиссадорлик жамаияти вилоятдаги барча шаҳар ва туман халқ хўжалигини, ҳамма хонадонларини электр нури билан таъминловчи ягона корхона ҳисобланади. У электр станцияларида ҳосил қилинган қувватни истеъмолчиларга етказиб беришда вазирлик қўлида. Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, муассасаларнинг бир маромда ишлаши, хонадонларнинг чарогон бўлиши унинг фаолиятига боғлиқ. Ҳисоб-китобларга қараганда жамаият миқозлар эҳтиёжи учун ҳар кун йигирма миллион киловатт-соат атрофида электр қуввати етказиб бормоқда. Нурчилар мавжуд электр узатиш тармоқларини, фойдаланишда бўлган, бироқ, эскириб қолган энергетика асбоб-ускуналарини таъмирлаб, ёғоч

нишли ҳаво электр узатиш тармоқлари қурилиб, 41,9 километри фойдаланишга топширилди. Бу йилнинг биринчи чорагида юқоридаги каби кўчанилиши 24,78 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари барқарор этилди. Шундай қилиб, энергетика тармоқларини ривожлантириш ҳаракати бошланганидан бери 71 маҳаллада шундай қурилишлар олиб

борилди ва 54 Маҳалла электр қуввати билан таъминланди. 0,4-6-10 киловольт қўлланилиши ҳаво тармоқларида 78,1 километри фойдаланишга топширилди. Бироқ, вилоятда янги электр узатиш тармоқларини қуриш, эски асбоб-ускуналарни янгилари билан алмаштириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни рўйбга чиқариш қўйин кечмоқда. Бу, асосан, сармоё-га бориб тақалади. Унинг етишмаслиги айрим ишлар вақтида амалга оширилишига тўсиқ бўлмоқда. Тўғри, жамаиятнинг дебиторлик қарзлари сезиларли қамаймоқда. Бунга аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари кўп жиҳатдан ёрдам берапти. Лекин, шунга қарамай, 1

апрель ҳолатига умумий дебитор қарздорлик 23 миллиард сўмдан ошдиқоқни ташкил этди. Тўғри, бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 3 миллиард 368,2 миллион сўм кам. Лекин, айрим корхона, ташкилот ва хонадонлар энергия ҳақини ўз вақтида тўламаётганлиги мундарижга қарздорлик юзага келишига сабаб бўлапти.

Масалан, вилоят «Сувсоз» давлат унитар корхонасининг энергетиклардан қарзи 945 миллион сўмга етди, шундан 645 миллион сўмининг мундарижга қарздорлик ҳиссага қилинган эди. Вилоят «Сувсоз» очик акциядорлик жамаияти эса 1 миллиард 695 миллион сўм қарз бўлиб, 1 миллиард 100 миллион сўмининг мундарижга қарздорлик ҳиссага қилинган эди. Айни вақтда мудофаа, ички ишлар вазирилари ҳам ўзларига қарашли объектлар ишлатган энергия ҳақининг ўз вақтида тўла-нотўлини таъминламаётганлиги, Вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарининг қарзи ҳам йилнинг биринчи чораги охирига келиб 2 миллиард 300 миллион сўмга етди. Маҳаллий бюджет ташкилотлари қарзлари эса, тезкор маълумотларга қўра, шу йилнинг ик-

кинчи чораги олдида 310 миллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, аҳолининг дебиторлик қарзлари шу йилнинг биринчи чораги охирига келиб 4 миллиард 142 миллион сўмга борди.

Вилоят халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва хонадонларини нур билан таъминлашга интилаётган «Тошкент электр тармоқлари» очик акциядорлик жамаияти дебитор қарзларини ундириш учун турли усуллардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Ҳатто, электр тармоғи учун, узиб қўйилмоқда. Бунгача бормаслик учун электр энергияси истеъмолчилари кейинги ойнинг биринчи ўн кунлиги ичида ўтган ойда фойдаланилган нур ҳақини тўлаб қўйишлари лозим. Шундай тартибга қайтиш амал қилиш аҳолига ҳам, энергетикага ҳам жуда қўл келади. Айниқса, нур етказиб бериувчилар энергия қарзининг вақтида тўла-нотўлини устидан назорат ва текшириш олиб бориш учун кетаётган вақтларини тежаб, ўзларининг асосий вазифалари — электр тармоқларини сошлаш, нур таъминотини ахшироқ шугулланадиган бўладилар. Вилоят электр тармоқларини бундан бўён ҳам кенг қўламада ва жадал ривожлантириб бориш бўйича бир неча босқичли вазифаларнинг вақтида бажарилиши истеъмолчиларнинг электр қуввати ҳақини ўз вақтида тўлаб беришларига боғлиқ эканлигини унутмаслик зарур.

Мирсобиёр МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

НАВҚИРОН САРДОРЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Зангиота туман кенгаши «Сардор — 2005» кўрик-танловини ўтказди.

Унда Эшонгузар, Хонобод, Узғариш, Зангиота, Назарбек, Бўсаув ҳамда Иттифок қишлоқлари худудидоги «Камалот» сардорлари ўзаро беллашдилар. Танлов ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳамда иқтидорларини синиш учун ташкил қилинди. Қўриқда Эшонгузар худудидоги 14-мактаб ўқувчиси Шаҳноза Мирзахмедова голибликни қўлга киритди.

Шунингдек, тиббиёт касб-хунар коллежида «Огоҳлик — давр талаби» мавзусида учрашув ташкил этилди. 150 нафар ўғил-қиз оғоҳлик ҳақидаги видеотасмани томоша қилди. Диний ақида-парастликнинг олдини олиш, ёшлар турли жиноятларга шерик бўлиб, ёт гоа ва оқимларга аралашиб қолмасликлари хусусида фикр юритилди.

Абдулла РАҲИМОВ.

МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

СУД ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Суд тизими самарадорлиги ва қонун устуворлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, суд ва прокуратура тизими, судьялар ва адвокатлар ассоциацияси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Жиноий ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини қўчайтириш билан боғлиқ айрим қондаларни қайтадан кўриб чиқиш зарурати вужудга келгани айтиб ўтилди.

Анжуман иштирокчилари судларда фуқаролик ишларини юритишдаги тажриба ва муаммолар, судьялар мустақиллигини таъминлашда прокурор ваколатларининг аҳамияти, ҳўжалик судларида иш юриштириш тартибига солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш каби масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш йўлида» мавзусида илмий-омалий семинар бўлиб ўтди.

Ушбу анжуманда Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ва Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби иштирокчидаги кенгашида сузлаган нутқида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга оид масалалар муҳокама этилди.

мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган тамойилларнинг изчил амалга оширилиши мамлакат парламентининг роли ва таъсирини қўлайтириш, қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустахкамлаш ва барқарор мувозанатга эришишнинг муҳим омилли экани таъкидланди.

БИРИНЧИ ЧОРАК САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда қўмитанинг шу йил биринчи чорагидаги фаолияти яқунлари оид масалалар муҳокама этилди.

Қўмита раиси Б. Матлюбов бошқарган маъруза йиғилишида Юртбошимиз фармонлари ва қарорларида бевосита божхона тизими олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилиши таъкидланди.

Кўрилатган чора-тадбирлар натижасида божхона органлари томонидан давлат бюджетига ўтказилган тушумлар тобора ортмоқда. Шу йил биринчи чорагида давлат бюджетига 104 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ундирилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 миллиард сўм кўпдир.

Божхона масканлари замонавий технологиялар, ахборот,

назорат ва алоқа воситалари билан таъминлангани, постларда назорат қўлайтирилиб, ички иқтисодий барқарорликка ҳавф солаётган контрабанданинг пайи қириқилгани муваффақият гарови бўлмоқда.

ПЕДИАТРИЯ КОРПУСИ ОЧИЛДИ

Тошкентдаги Республика Шошилинч тез tibбий ёрдам илмий марказида болаларга замонавий тез ёрдам хизмати кўрсатишга ихтисослашган педиатрия корпуси очилди.

Бугунги кунда марказнинг бўлимлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда очилган бўлиб, аҳолига намунали tibбий ёрдам кўрсатмоқда. Педиатрия корпусининг очилиши эса республикамиз бўйича болаларга ҳам шундай замонавий тез tibбий ёрдам хизмати кўрсатиш имконини беради.

фарқи шундаки, у энг замонавий даволаш диагностика техникаси ва асбоблари билан жиҳозланган. Албатта, бу шошилинч tibбий ёрдамни юқори савияда амалга ошириш мақсадида қилинаётган чора-тадбирлар қаторига кирди. Ушбу тадбирлар «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурида ҳам ўз аксини топди.

«Туркистон-пресс».

• Хотира азиз

НОМИ ҲАМИША АРДОҒИМИЗДА

Бугун мустақил Ўзбекистонимиз пойтахти — Тошкент шаҳрини, кенг ва бепоён мамлакатимиз вилоятларини айлансангиз, Собир Раҳимов номи билан боғлиқ катта-кичик манзиллар, кўчалар, мактаблар, ҳўжаларга дуч келасиз. Кекса авлод қиллари олдидангина, лекин ифтихор билан генерал Раҳимов дейишарди.

Мен, хусусан, Тошкент вилоятининг қайси бурчагига бормайин, генерал Собир Раҳимов номи билан боғлиқ жойларга дуч келаман.

Хўш, генерал Собир Раҳимов ким? Мана, олтимиш йил бўлаётгани, хотирами тилларда, дилларда. Қандай хизматлари унинг?

Генерал Собир Раҳимов 1902 йил 25 январда Тошкент шаҳрининг Тахтагул маҳалласида туғилди. Отаси тегиримончи эди. Беш ёшга етиб-етмай, отадан етим қолган Собиржон боиларнинг молларини қоқиб катта бўлди. Ун беш ёшида онасидан ҳам айрилиб, буткул кўчада қолди. Дарбадарлик, оғир меҳнат ўсирини эрта чиқартирди. Тўқимачилик фабрикасида бўз тўқиди. Ишчи йиғит кейинроқ Боку харбий билим юртида ўқиди.

Қисқаси, уруш бошлангани-

га генерал-майор унвони берилди. Фронтир ва армия қўмондонлиги унинг жасоратига, мардликка, қобилияти ва харбий истеъдодига катта баҳо берди. Май ойда эса у Бош штаб қўриқдаги академияга ўқишга юборилди. Шу орада генерал Раҳимов кичка мuddат Ўзбекистонда таътилда бўлди.

Академияни тамомлагач, 1944 йил апрелда 47-ўқчи дивизия қўмондонлигини қабул қилиб олди. Дивизия Фарбий Буг дарёсини муваффақиятли кечиб ўтиб, ўнлаб шаҳар ва қишлоқларни фашистлардан озод қилди. Висла дарёси қирғоқларига чиқди. Уша кезлари генерал Раҳимов қўмондон этиб тайинланган 37-дивизио иккинчи Беларусь фронти қўшинлари сафида кенг куламли ҳужумга ўтди. Дивизия 16 кунлик сурункали жанглар мобайнида Габ томон 215 километр илгариларди борди, олти шаҳар ва 124 қишлоқни фашистлардан озод қилди. Граденц қалъа шаҳарини озод қилиш мана шу ҳужумкор жангларнинг чўққиси бўлди. Уни эгаллашда генерал яна бир бор ўз харбий маҳоратини яққол намойён этди.

Қаҳрамонларнинг жасоратларини тарғиб қилиш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уруш иштирокчиларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш шарафли бурчимиз. Шубҳа йўқки, тенгсиз урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган инсонлар хотирами биз ун ҳаммиша қадри, азиз, муқаддас бўлиб қолаверди.

Нурмат ДАВЛАТОВ.

ҚОРДА ЛАВЛАГИ ТЕРГАН КУНЛАРИМ

Мана олтимиш йил бўлаётгани, урушнинг қора пардаси кўз ўнгимдан кўтарилмайди. Шу ҳақда сўз очсам, бир пайлар фарзандларим, бугун энди набираларим мени калака қилмоқчи бўлишарди: — Бувижон, ахир сиз урушга бормангансиз-ку?

Гап урушга боришадмас, унинг ҳамма оғирликларини, жудалиқларини, гам-аламларини барчамиз ҳис қилганмиз, десам хайрон бўлишарди, тушунишмайди. Илоийм, тушунишмасин, тушуниш, ҳис қилиш пешоналарига ёзилмаган бўлсин. Атрофимни ўраб ўтирган ўйил-қизларим — набираларим, эвараларимга бир-бир тикиламан, кўзларидоги чақноқликдан қувват оламан-да, ўтган-кетганлардан сўз бошлайман. Болаларим жон қўлоқлари билан тинглашарди. Улар ўша отинг ўчғур уруш йилларидан гапириб беришини сўрашарди. Бригадир бувалари, баалоғат белбоғи ўрнига аскар камарини боғлаган тоғаларини ҳаётлари билан қизиқтиришарди. Қайта-қайта ҳўқоқ қилсам тинглайверишарди, чунки хар сафар янги бир воқеа ёдимга тушаверарди...

Бўзсув бўйларидан қаҳрли изғирин эсиб қолди. Оби-ёғонимизни ичиб улгурмасимиздан лага-пага қор ёғиб берди. Отам икки-уч пилёла чойини наридан-бери ичиб: — Тур, қизим, эгалларда қолиб кетган лавлагиларни қарглаб келамиз, — деб қолдилар.

Сарпайчанг, йиртиқ қалишнинг оёқларимга олиб, дадамларга эргашдим. Дала бети оқариб қолди. Биринчи эгалда отам иш бошладилар, икки эгал ташлаб мен ишга тушдим. Майда-йирик лавлагиларни ўртадаги икки пуштага қарглаб — барглари юқорига, ёнбоғига қилиб төриб бормоқдамиз. Изғирин, қор бет-кўзларимга игнадек санчиларди. Қалишларим қорга тўлиб кетган, лой. Совуқ ич-этимдан ўтиб кетди. Бир пай оёқларимни сезмай қолдим, кўларим қалтираб, бармоқларим лавлага баргларини тутамломайди. Шу десангиз, бутун вужудимни бир титроқ тутди, йиғлаб юбордим: — Дадажон, совуқ еб кетдим...

Шунақа оғир вақтлар эди. Катта кичик фронт фойдаси учун тиймай мейхат қилганмиз. Шундай кунларни унутиб бўладими? — Дадажон, совуқ еб кетдим... Нарироқча жадал ишлаёт-

ган дадам қадларини кўтарди-лар:

— Ох, қизим-а, сен совуқ едим дейсан. У ёқда, урушда энди ўн еттига тулган акагининг аҳволи не кечаяпти экан. Бирор чақалакдами, тоғ ўнгиридами титраб-қақшаб ётганикин? Билсанг, у томонлар киши аччиқ, қаҳрли дейишарди. Илло, қаерда бўлса ҳам омон бўлсин-да...

Далам шундай дедилар-да, лавлагиларни қарглашнинг давом эттирдилар. Мен ҳам олдинига кўз ёшларимни тийёлмай ишладим. Бир пайт, кўз ўнгимда олис-олисларда, қор боғсан чақалақзорда, совуқ хандакда Тулган акам пайдо бўлдилар. Қўлларидоги милтиқ, Соининг у бетидан кўз узмай-дилар...

Шу десангиз, мен қалишни шалоқлабтиб, жаҳд билан лавлагиларни қарглашга тушиб кетдим. Совуқда қолган бармоқларим ёзилиб, оёқларимда алланечук илқилиқ сездим, Танам қизиб, ёш пардаси кўтарилдиб, кўзларим тинқиллашди. Лавлагиларни йиғиб, уйга қайганимизда тун яримдан оғанди. Юз-кўларимни ювиб, қалишни тозалаб, сандал четига қўйдим. Шунда оёқ-қўлларимга бамисоли игна санчилаётгандек бўлди... Қалтирай бошладим. Ойножнинг иссиқисич чой ичириб, ўраб-чирмаб сандал ёнига ётқизиб қўйдилар. Титроқ ҳолисанглириб, кўзларим илқинибди...

Шунақа оғир вақтлар эди. Катта кичик фронт фойдаси учун тиймай мейхат қилганмиз. Шундай кунларни унутиб бўладими? — Дадажон, совуқ еб кетдим... Нарироқча жадал ишлаёт-

Турсуной ЗУҲУРОВА, Заңгиота тумани, Қатортол қишлоғи.

• «Истеъмомолчи — 2005»

УЛАР ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ БИЛАДИЛАР

Тунов кунни дўқонда бир суҳбатнинг гувоҳи бўлдим. Кўринишдан мактаб ўқувчиси бўлган бола сотувчидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қиларди.

У сариёғ ҳарид қилди. Сотувчи эса қасса чекини беришни унутди. Унинг бу хатосини бола эслатиб қўйди. Бундай дақиқдан ўнгайсизланган сотувчи эса қасса чекини берад экан, болани синна мақсадида сариёғнинг сифат сертификатини ҳам кўрсатди. У ҳужжатни кўздан кечирар экан, шундай деди:

— Сариёғнинг яроқчилиги мuddати тугашига бир ой қолибди, ўтиб кетса ҳам сотаверасизларми?

Болаканинг гапи сотувчини бир оз сержалантирди.

— Йўқ, яроқчилиги мuddати тугашига бир ҳафта қолганда ҳам махсулот сотилмаса, албатта, янғисига алмаштирамиз, — деди сотувчи. — Лекин бизда махсулотлар сифати юқори бўлганлиги боис мuddати ўтиб кетгунча туриб қолайми.

Сотувчи худди бирон бир текширувчи ҳисоб бераётгандек гапирарди. — Менга айтчи, сен бу гапларни қаердан ўргандинг? — сўради у.

— Мактабимизда «Истеъмомолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, унинг мақсад ва вазифаларини ўрганаймиз.

Болаканинг бундай зукко жавоби атрофдаги бошқа харидорларни ҳам бироз ўйлантириб қўйди.

Дарҳақиқат, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, хар бир истеъмомолчи ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши ва ҳимоя қилиши лозим. Ақс ҳолда алданиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш



Оқушларни янада яқинлаштириш мақсадида ҳуқуқнинг таълими

шаҳар ва туман худудий бахсларида голиблиқни қўлга киритган 40 дан зиёд ўсири ёшлар иштирок этди.

— Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада оширишди, — дейди Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаси бошлиғи Ҳайрулла Йўлдошев. — Қолаверса, танлов иштирокчилари орқали жойларда, айниқса, чекка қишлоқларда ҳуқуқий мейёрларнинг моҳиятини кенг-қура тарғиб қилиб, кишилар ўртасида боқимандалик қайфиятини йўқотишди.

— Танловга тайёргарлик жараёнида мактабда олган билимларимиз янада мустахкамланди, — дейди олмалиқлик иштирокчи Мирҳамид Урозалиев. — Бахслар жараёнида учта шарт бўйича ҳуқуқий саводимизни синовдан ўтказишди. Айниқса, соҳага доир тест синови истеъмомолчи ҳуқуқларини қай даражада ўзлаштиганимизни белгилаб берди. Бирон вазият билан боғлиқ савол-жавобларда эса қонун моддаларини ўз ўрнида ишлата олишга доир маҳоратимизни намойиш этдик. Асосий ютуғим мен орқали оила аъзоларим ҳам истеъмомолчи сифатидаги ҳуқуқлари нималардан иборатлигини билиб олганликларидир.

Кўрик-танлов қизиқарли ва баҳс-мунозарага бой тарзда ўтди. Танлов натижаларига қўра бекободлик 12-мактаб ўқувчиси Хусан Раҳमतқўли болани қўлга киритди ва ташкилотчилар томонидан замонавий компьютер билан тақдирланди ҳамда республика финал босқичига йўллама олди.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллаган иштирокчиларга эса телевизор, видеомагнитофон ҳамда аудиомагнитофон топширилди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири. Суратларда: кўрик-танловдан лавлагилар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЎҚУВЧИЛАРГА ЯНГИЧА ШАРОИТ

Умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникасининг Давлат буюртмаси ишлаб чиқилди.

Умумтаълим Дастурга киритилган 8 минг 476 та мактаб, 7 минг 804 та физика, 6 минг 95 та химия ва биология фан кабинетлари, 8 минг 633 та компьютер синфлари, 6 минг 435 та лингафон, 4 минг 560 та тасвирий санъат ва чизмачилик хоналари, 4 минг 377 та устаконалари зарурий анжомлар ҳамда қўргазмалар ўқув қуроллари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Шу мақсадда «Ўз-ЭКСПОМАРКАЗ»нинг қўргазмалар залида мутахассислар, педагог-ўқитувчилар диққатига мактаб мебеллари ва бошқа жиҳозларнинг республика қўргазмаси ҳавола қилинди. Ишлаб чиқарувчилар томонидан умумтаълим мактабларининг кимё, физика, биология фан кабинетларининг тўлиқ жиҳозлари, мебел ва махсулотлари, компьютер, лингафон, маънавият, расм-чизмачилик синфхоналари ҳамда устакона, кутубхона, ошхона учун керакли мебеллар, спорт анжомлари намойиш этилди.

Кўргазмага халқ таълими тизимининг раҳбарлари, мактаб мебелларини ишлаб чиқарувчи қорхона ва концерн раҳбарлари, мутахассислар тақлиф этилди.

Даврон АБДУЛЛАЕВ.

ФРАНЦИЯДА ЎТКАЗИЛДИ

Лавор шаҳри Франция жанубида жойлашган Тарн вилоятининг маъмурий маркази бўлиб, сайёҳларнинг севилими масканларидан биридир. Бу ерда биринчи марта ўтказилган Ўзбекистон халқ амалии санъати қўргазмаси лаворликлар ва шаҳар меҳмонлари учун унутмас воқеа бўлиб қолди.

Юртимизнинг қадим тарихи ва бой маданиятини ўзидо муҳаддас этган маъзур қўргазмада намойиш этилган кулоқчилик, сўзана, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, зардузлик ва миниатюра санъати намуналари муҳлис-ларда катта қизиқти уйғотди.

— Қўргазма катта муваффақият қозонди, десам муболага бўлмайди, — дейди Лавор шаҳри марзининг ўринбосари Мишел Гийуп. — Катта маҳорат билан ишланган экспонатлар, айниқса, сўзана ва сопол буюмларнинг рангли жиҳозси мени ҳайратга солди. Қўргазмага нафақат шахримиз, балки бутун вилоятимиз аҳолиси ва кўп сонли сайёҳлар ташриф бўлди.

Ҳайрат ШУКУРОВ, «Жаҳон» АА.

• Нуқтаи назар

ХИЗМАТ КўРСАТИШ — МУҲИМ СОҲА

Миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ортиб бормоқда. Бу жараён умумий иқтисодий ўсишга жиддий таъсир этаётди. Соҳада меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар ҳажми йилдан-йилга охиб бораётганини бунинг далилидир.

Бугунги кунда марказнинг бўлимлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда очилган бўлиб, аҳолига намунали tibбий ёрдам кўрсатмоқда. Педиатрия корпусининг очилиши эса республикамиз бўйича болаларга ҳам шундай замонавий тез tibбий ёрдам хизмати кўрсатиш имконини беради. Педиатрия корпусининг бошқа tibбийёт муассасалардан

самолётда саёҳат қилишимиз, шифокор қабулида бўлишимиз, сартарошонда соч олдиришимиз, кийимларимизни кимёвий тозалашга топширишимиз, автомашинамизни таъмирга беришимиз, кино кўришимиз, ҳуқуқшуносдан маслаҳат олишимиз билан биз хизматни соҳиб олган бўламиз.

Кўпгина хонларда курсатилган хизматдан фойдаланилганидан кейин унинг сифатини қийёлаш ва баҳолаш мумкин бўлади. Маийий хизмат курсатиш кўп капитал маблағ сарф қилмасдан туриб, истеъмол учун зарур бўлган хизматларни яратиш имконини беради. Ислохотларни

чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шариоатида бу соҳанинг мақевини янада ошириш талаб этилади. У ишлаб чиқаришни истеъмолчиға яқинлаштириши, аҳолининг турмуш шариотини яқинлаш, ижтимоий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилади. Мухим, шахсий истеъмол учун сарфланган моддий ва молиявий маблағларнинг бир қисмини хизматлар курсатиш соҳасига жалб қилади. Янги ишчи ўринларини яратиб, рақобатни ривожлантиришда, давлат бюджетни даромадлар қисмининг ошишида ҳам унинг салохияти катта.

Алишер НАБИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тингловчиси.

Мустақиллик йилларида жамгарилган ҳусусий капитал ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Давлат мулкисини ҳусусийлаштириш, даромадларнинг капиталлашуви ва ҳусусий капитал ривожини учун берилган кредитлар ҳисобига яқли ички махсулотда кичик бизнеснинг улуши 2004 йилда 35,6 фоизга етиб борди.

Ҳусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳисобига 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Ҳусусий мулк муҳофазасининг ҳуқуқий асослари яратилганлиги боис тадбиркорлар иқтисодиётнинг фавл иштирокчилига айланиб бормоқда. Бозор муносабатлари тизимида ҳусусий мулк турли мулк шакллари билан ўзаро иқтисодий алоқада бўлиб, ҳуқуқий қўнларда белгиланган қарфоллар доирасида иқтисодий фаолиятга киришиб, товар ва хизматлар яратмоқда.

Иқтисодиётда ҳусусий мулк мақевини кенгайтириш, ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганлигини эътибор этиш билан бирга Президентимиз Ислам Каримов: «... ҳусусий тармокнинг жадал ривожланиши, унинг мам-

ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР

Ислохотларнинг дастлабки даврлариданоқ Ўзбекистонда давлат мулкисини турли мулк шакллари айлантиришга устуворлик бериб келинмоқда. Айниқса, ҳусусий мулк ривожига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратиляпти.

лакат иқтисодиётдаги улуши қўпайишни таъминлашнинг устувор вази-фа қилиб белгилади.

Ҳусусий мулкка асосланган тадбиркорликнинг ривожланишида маълум ютуқларга эришилган бўлса-да, бунинг ётарли даражада деб бўлмайди. Ҳусусий тадбиркорлар фаолиятига назорат қилувчи органларнинг ноўрин аралашуви, иқтисодий эркинликка салбий таъсир этувчи рақобат мавжудлиги ҳусусий тармок ривожини сустайтирмоқда. Меърий ҳужжатларнинг тез-тез ўзгариши соғлом рақобат муҳит қарор топишига тўс-

қилиқ қилмоқда. Бу нуқсонларнинг бар-тароф этилиши иқтисодий ўсиш суръатларини тубдан ўзгартириши имкониятларини янада кенгайтиради. Чунки, ҳусусий мулк ва тадбиркорлик бозор меҳанизмининг яратиб, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишига ва оқибатда турмуш фаровонлигини юксалтиришда хал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳайрат РАСУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тингловчиси.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИ — МУҲОФАЗАДА

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида — Кито ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва талбаблар иштирок этди.

Тадбирда Кито ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро кунининг жаҳон миқёсида нишонланиши халқаро ўртасида тинчлик маданиятини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Анжуманда мутахассисларнинг бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга бағишланган маърузалари тингланди.

Акмал НАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

Танлов

ҚИЗЛАР ДАВРАСИ

Бугунги кунда жамият ҳаётида хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш, соғлом муҳитни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, турли касб эгалари ўртасида кўрик-танловлар, қизлар давраси, турли учрашув ва мусобақаларнинг ижобий таъсири катта бўлмоқда.

Яқинда чегара қўшинлари Тошкент тезкор гуруҳи, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида хайри ишга қўл уриди. Хусусан, чегара қўшинларида халқимизнинг тинчини, оқоёнчилигини сақлашда муносиб хизмат қилаётган аёллар



Чегара қўшинлари Тошкент тезкор гуруҳининг «Оқтош» ўқув марказида ўтган бу танловда ютуқлари хусусида қандай тасаввурга эга эканликларини намойиш этдилар. Биринчи тоифали назорати, кичик сержант Раъно Раҳмонова тўлиқ маълумотга эга эканлигини кўрсатди. У ўз касбининг усталари, шартнома асосида ишлаётган ҳамкасблари, уларга яратилган шароитлар ҳақида гапириб берди.



чегарадош Бекобод, Бўстонлик, Охангарон туманлари ҳарбий қисмлари ҳамда Тошкент аэропорти чегара дивизиони вакиллари ўзaro беш шарт бўйича мусобақалашди. Иштирокчилар дастлабки шарт бўйича ўзлари хизмат қилаётган ҳарбий қисм тарихи, фаолияти ва ҳамкасбларининг хизматдаги

на маданияти ҳамда миллий кийимлари ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Вазира Ниёзова ўзи хизмат қилаётган ҳарбий қисмда кутубхоначи вазирасида ишлаётганини боис ҳам адабиётга ошфоталигини тўла намойиш этди.

Ҳакамлар ҳайъати кейинги шарт — назоратлик маҳорати бўйича ҳар тўрт қизнинг энгил таом тайёрлаш жараёнини кузатар экан, тезкорлик, озодликка эътибор, таом тайёрлашга янгича ёндашув каби жиҳатларга аҳамият берди.

Нихоят, сўнги шарт бўйича ҳар бир қатнаши ўзини санъат ботида ҳам намойиш этиши лозим эди. Мавзуга қизлар эркин ёндашиб, интермедия ва театрлаштирилган саҳна кўрсиниларини ижро этдилар. Унда Бўстонлик чегарачилари вакили Раъно Раҳмонова ўзининг тезкор ва топқирлигини амалда кўрсата олди.

Қолган иштирокчилар ҳам ширинқўл эканликларини намойиш этиб, баҳорий неъматлардан шифобахш энгил таомлар, салатлар тайёрлашди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Olamdagar? nima?

ЯПОНИЯДА ТЕМИР ЙЎЛ ҲАЛОКАТИ

Япониянинг Амагасаки шаҳрида транспорт ҳалокати юз берди. Катта тезликда ҳаракатланётган электр поезди автомобил билан тўқнашиб, изидан чиқиб кетди. Оқибатда эллик киши ҳалок бўлди, уч юзга яқин одам жароҳатланди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига қараганда, тўқнашув натижасида поездининг биринчи вағони темир йўл яқинидаги кўп қаватли тураржой биносига бориб урилган. Уйга жиддий зарар етиб, ундаги бир неча киши жароҳатланган.

Хозир фалокат содир бўлган жойда кутқарув гуруҳлари ишламоқда. Жароҳатланганлар яқин орадаги шифохоналарга етказилган.

Маълумотларга қараганда, поездда 580 йўловчи бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, ҳалокат етарли иш таҳрибасига эга бўлмаган поезд бошқарувчисининг айби билан юз берган.

Қонда мувофиқ, шаҳарнинг аҳоли кўп истикомат қиладиган қисмида тезлик соатида 70 километрдан оширилмаслиги лозим. Бироқ бошқарувчи поездини соатида 130 километр тезлик билан ҳайдаган.

Мазкур ҳодиса сўнги қирқ йил мобайнида Японияда содир бўлган энг йирик темир йўл ҳалокатидир. 1963 йил ноябрда пойтахт Токио яқинида уч поездининг тўқнашиб кетиши оқибатида 161 киши қурбон бўлган.

ТИКЛАНГАН БАНДЛАР

Украина президенти Виктор Ющенко мамлакат ҳарбий доктринасига НАТО ва Европа Иттифоқига аъзо бўлиш вазифасини киритди.

Давлат раҳбари 21 апрелда имзолаган ва дунбана кўни эълон қилинган «Украинанинг ҳарбий доктринаси масалалари» фармонида ана шу ҳақида гапирилган. 2004 йилда ҳарбий доктринадаги ушбу бандлар Леонид Кучма томонидан олиб ташланган.

ФАҚАТ СОЛИҚҚА

Ҳафта муқаддасида судья Сержио Мупоз Чилининг собиқ диктатори Аугусто Пиночет ҳисоб рақомини ҳисба олиниши ҳақидаги қарорни қисман бекор қилди.

Бундан мақсад, сўнги беш йил унундан солиқларни ундириб олиш эди. Хусусан, судья 1999-2004 йиллар солигини қоплашга 2,7 миллион доллар маблағ тўлашга изн берди. Аммо, Пиночет ҳисобидagi яна уч миллион доллар ҳамон ҳисбада.

РАҲБАР УМИДИ

Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос 25 апрель кўни берган баёнотида, ХАМАС мамлакат парламентида сайланган таркибига киргач, қуролларни тоширидан деган умида эканлигини айтди.

Шу билан бирга, у Фаластин радикал гуруҳлари орасидаги энг қудратли бу тузилмани кўч билан қуролсизлантириш нияти бор-йўқлиги ҳақида бирор нарса демади.

УЧРАШУВДАГИ ИЛТИМОС

Техас ранчесидаги учрашув пайтида Америка Қўшма Штатлари президенти Жорж Буш Саудия Арабистони шорис шаҳрида Абдуллоҳдан нефть нархлари ўсишининг имкон қадар секинлашуви ҳисса қўишини илтимос қилди.

«Нефть баҳосининг юкори бўлиши бозорларга лутур етказди, буни сиз жуда яхши биласиз», — деди Буш саҳройи давлат раҳбарига.

Годовой финансовый отчет ОАО ХК «Узплодоовощинпром-холдинг» за 2004 год

Table with financial data for 2004, including sections for general information, balance sheet, and assets. It contains multiple columns for various financial metrics and sub-sections.

ДАЛА-ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқачи-офисер кадрлар тайёрлаш босқисига бей таъжирба ортиришмоқда.

Дала-ўқув машғулотларини замон талаблари даражасида олиб бориш мақсадида Қибрай туманида ўқув маркази ташкил этилди.

Мустаҳкам техник негизга эга бўлган таълим даргоҳида «Телекоммуникация» ва «Радиотехника» билимлари йўналишида ҳам машғулотлар йўлга қўйилди.

Олий ўқув юртининг 50 йиллиги тантаналари муносабати билан марказ янги ўқув-техник жиҳозлар билан таъминланди.

Али ЖўРАЕВ.

ПРОЕКТ ПОВЫШЕНИЯ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ ЗЕРНОВЫХ КУЛЬТУР

- 1. Правительство Республики Узбекистан получило займ от Азиатского Банка Развития на реализацию «Проекта повышения производительности зерновых культур» и имеет намерение использовать часть этой суммы для предусмотренных выплат по контракту на «Ремонт офиса ГРП в Куйичирчикском районе».
- 2. Агентство по Реструктуризации сельскохозяйственных предприятий, действующее от имени Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, приглашает участников подать в запечатанном виде предложения на «Ремонт офиса ГРП в Куйичирчикском районе».
- 3. Заинтересованные подрядные организации могут бесплатно получить полный комплект тендерных документов по представлению письменной заявки по нижеуказанному адресу.
- 4. Все предложения должны быть доставлены по нижеуказанному адресу до 25 мая 2005 года к 15.00 часам. Предложения будут сразу открыты после вышеуказанного времени в присутствии представителей подрядчика желающих принять участие.

Агентство по Реструктуризации сельскохозяйственных предприятий. Республика Узбекистан, г. Ташкент 700000, ул. Кари Ниязи, 39 Б. Факс: (+99871) 137-16-58. Тел: (+99871) 137-16-57, 137-16-59. e-mail: gpip2007@skz.uz

«Комсар» АЖ таъсисчиларининг 2005 йил 18 апрелдаги умумий йиғилиш қарорига асосан низоми жамғармаси камайтирилиб, 1 000 000 000 (бир миллиард) сўм қилиб белгиланди. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун муддат давомида қабул қилинади.

